

БОЛАЛАРДА АЪЗОЛАРНИНГ ҚЎШМА ЖАРОҲАТ ОҚИБАТЛАРИНИ БАҲОЛАШДА БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИНИНГ ПРЕДИКТИВ АҲАМИЯТИ

Эргашев Н.Ш., Тўрақулов З.Ш., Исаков Н.З., Тошибоев Ш.О., Бозоров Ш.Т.,

Андижон давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Қўшима жароҳат олган беморларни даволаш самарадорлигини баҳолашда оғир жароҳатлар туфайли юзага келган патобиокимёвий жараёнларни ўрганиш долзарб бўлиб ҳисоланади. Болалар организмида юз берувчи ушбу жараёнлар тўғрисидаги аниқ маълумотлар эса муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мақолада йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида турли даражадаги қўшима жароҳат олган 104 нафар ҳар хил ёшдаги болаларни олиб бориш ва даволаш тактикасини танлашида организмда углевод, пигмент, оқсил алмашинуви, шунингдек жигар ва буйракларнинг функционал ҳолатини белгиловчи қоннинг айрим биокимёвий кўрсаткичларининг жароҳат оқибатларини баҳолашдаги предиктив аҳамияти ўрганиланган. Прогностик жиҳатдан салбий оқибатларни белгилаб берувчи биокимёвий мезонлар белгилаб берилган.

Калит сўзлар. Қўшима жароҳатлар, биокимёвий кўрсаткичлар, болалар.

ПРЕДИКТИВНОЕ ЗНАЧЕНИЕ БИОХИМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В ОЦЕНКЕ ИСХОДОВ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМ У ДЕТЕЙ

Эргашев Н.Ш., Туракулов З.Ш., Исаков Н.З., Тошибоев Ш.О., Бозоров Ш.Т.,

Андижанский государственный медицинский институт,
Ташкентский педиатрический медицинский институт.

✓ *Резюме,*

Изучение патобиохимических процессов вследствие сочетанных травм для оценки эффективности лечения больных является актуальным. Чёткие представления об этих процессах у растущего организма детского возраста имеет особое значение.

В данной статье изучены предиктивные значения некоторых биохимических показателей крови, определяющие исходы травматических повреждений, ответственные за углеводный, пигментный, белковый обмен, а также функциональное состояние печени и почек у 104 детей с сочетанной травмой, вследствие дорожно-транспортных происшествий. Показаны биохимические критерии оценки неблагоприятных исходов в прогностическом плане.

Ключевые слова. Сочетанные травмы, биохимические показатели, дети.

PREDICTIVE VALUE OF BIOCHEMICAL INDICATORS IN THE EVALUATION OF THE RESULTS OF THE COMBINED INJURIES IN CHILDREN

Ergashev N.Sh., Turakulov Z.Sh., Isakov N.Z., Toshboyev Sh.O., Bozorov Sh.T.,

Andijan State Medical Institute, 110000 Uzbekistan, Andijan Navoii avenyu 126 <http://adti.uz>,
Tashkent Pediatric Medical Institute. 223, Bagishamal street, Tashkent, 100140. <http://tashpmi.uz>.

✓ *Resume,*

The study of path biochemical processes due to combined injuries to assess the effectiveness of treatment of patients is relevant. A clear understanding of these processes in a growing childhood organism is of particular importance.

This article studies the predictive values of some biochemical blood parameters that determine the outcome of traumatic injuries, responsible for carbohydrate, pigment, protein metabolism, as well as the functional state of the liver and kidneys in 104 children with combined trauma due to traffic accidents. The biochemical criteria for evaluating adverse outcomes are shown in a prognostic plan.

Keywords: Combined injuries, biochemical parameters, children.

Долзарблиги

Бугунги кунга келиб жароҳатланишлар бутун дунё бўйлаб ўлимнинг етакчи сабаби бўлиб келмоқда [4,9]. Маълумки, ҳозирги даврда катталарап ҳамда болалардаги оғир, асосан кўп ва қўшима жароҳатланишларнинг кўпайиши ҳисобланади [6,7]. K.W. Ашкрафт ва T.M. Холдер (2019) маълумотларига кўра болаларда бош мия шикастланиши (БМШ) ўлимининг асосий сабаби бўлиб келмоқда [1]. Америка Қўшима Штатлари болалар жарорҳатлари марказининг миллий қайднома маълумотларига кўра, марказий асад тизимининг (МАТ)

жароҳатланиши билан боғлиқ ўлимларнинг тенг ярми, марказий асад тизимининг иккиласида зараланиши билан боғлиқдир. [10]. Бу эса ёрдам кўрсатиш алгоритими тамойилларини бузилиши ва унга риоя қилинмаслиги билан боғлиқ. Муаммони жадал ўрганиш патологик жараёнлар асосий қонуниятларини очишида сезиларли ютуқларга эришиш имкониятини берди [7,9]. Шунингдек хирургик тактикани танлаш оғир қўшима жароҳатланишлар биокимёвий жараёнларга салбий таъсири кўрсатади [2,3,5]. Бош мия жароҳатларисиз кечган беморларда ўлим оқибатларнинг придиктрия ва жигар этишмовчиликнинг прогностик мезонлари бўлиб,



биокимёвий тадқиқотларнинг аҳамияти ўрганилган. Тақидлаш жоизки организмнинг муҳим метаболик жараёнларида биокимёвий маркерларнинг аҳамияти катталарада баҳоланган [3]. Бироқ ўсаётган ва ривожланиётган болалар организмида оғир жароҳатлар ва уларнинг оқибатлари натижасида келиб чиққан асосий патокимёвий жараёнларини баҳолаш, муаммонинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади: Болаларда углевод, пигмент, оқсил алмашинуви, шунингдек жигар ва буйракларнинг функционал ҳолатини белгиловчи, қоннинг айрим биокимёвий кўрсаткичларининг жароҳат оқибатларини баҳолашдаги предиктив аҳамияти ўрганиш.

Материал ва усууллар

Тадқиқот учун РШТЁИМ Андижон филиали ва Тошкент шаҳар 2-сонли болалар хирургик клиник шифохонасига аъзоларнинг қўшма жароҳатлари билан келтирилган 104 нафар болалар олинди. Бош мия жароҳатлари 72,1 %, қорин бўшлигидаги аъзолари жароҳатлари 61,5 %, кўкрак жароҳатлари 26%, суяклар синиши 53,8 % да учради.

Лаборатор тадқиқотлар умумий таҳлиллардан ташқари кўйидаги биокимёвий кўрсаткичларни ўз ичига олди: қондаги глюкоза, креатинин, мочевина, АЛТ, АСТ умумий билирубин, умумий оқсил ва албуминлари миқдорий таҳлиллари. Барча кўрсаткичлар жароҳатланишдан кейинги 1, 4, 7 ва 10 суткаларда баҳоланди.

SPSS PROX статистик Statistica 6.0. пакет ёрдамида олинган маълумотларга статистик ишлов берилди. Миқдорий кўрсаткичлар мазкур ишда $M \pm Sd$ тарзида баён қилинди. Бу ерда M - ўртача арифметик катталиқ, Sd - стандарт оғиш. Белгилар сифатига кўра таққослама таҳлил Н 2 меъзони ва Фишер мезонлари ёрдамида аниқланди. Шунингдек Манна-Уитни нопараметрик мезон-

лари ўрганилди. Жуфтлик бўйича таққослаш Вилкоксон меъзонлари ёрдамида ўрганилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар $p < 0.05$ бўлганда статистик жиҳатдан ишонарли деб қабул қилинди. Корреляциян таҳлил Спирминнинг нопараметрик мезонлари ёрдамида олиб борилди.(RS).

Натижва мухомкама

Болаларда асосий гематологик кўрсаткичларни таҳлили улардаги гемоглобин миқдорини ўртача $116 \pm 15,7$ г/л га тўғри келганлигини кўрсатди.

Болаларда қондаги глюкозанинг ўртача даражаси $6,59 \pm 1,16$ ммол/л ни ташкил қилди. Бироқ, бош мия жароҳатлари бўлган ёки икки ва ундан ортиқ анатомик соҳаларда жароҳати бўлган болаларда ушбу кўрсаткичнинг ортиб бориш тенденсияси кузатилди. Фақатгина 4-суткага келиб ушбу беморлардаги глюкоза миқдорининг пасайиши кузатилди. Оғир бош мия жароҳатлари бор бўлган беморларда, енгил даражадаги бош мия жароҳатлари бўлган беморларга қараганда, гипергликемия узоқ муддат сақланаб турди.

Назорат динамикасида умумий оқсил таркиби йўлтранспорт ҳодисаси (ЙТХ) юз берган болаларда баҳоланганда, унинг ўртача даражаси $66,64 \pm 5,35$ г/л ни ташкил этди. Бироқ, 4-суткага келиб, оғир бош мия жароҳатлари бўлган болаларда ушбу кўрсаткичнинг сезиларли пасайиши аниқланди. Айниқса бу белти икки ва ундан ортиқ анатомик соҳаларда жароҳати бўлган болаларда албумин миқдори сезиларли даражада пасайганилиги аниқланди (1-жадвал).

Албумин миқдорининг динамикаси алоҳида аҳамиятга касб эти. Жароҳатланишнинг биринчи суткасига келиб албуминнинг ўртача миқдори $37,2 \pm 3,61$ г/л ни ташкил этди, 3-суткага келиб албумин миқдори пасайиши кузатилди. Бош мия оғир жароҳати ёки икки ва ундан ортиқ анатомик соҳаларда жароҳати бўлган болаларда албумин миқдори сезиларли даражада пасайганилиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Аъзоларнинг қўшма жароҳати бўлган болаларда умумий оқсил албумин даражаси динамикаси

Кўрсаткичлар	Даволаш муддати (суткада)				P
	1 сутка	4 сутка	7 сутка	10 сутка	
Умумий оқсил, г/л	$66,64 \pm 6,13$	$61,73 \pm 2,59$	$60,24 \pm 5,31$	$59,41 \pm 3,52$	$>0,05$
албумин, г/л	$37,21 \pm 4,48$	$36,12 \pm 3,41$	$32,63 \pm 4,05$	$31,98 \pm 2,05$	$<0,05$


Қон зардобидаги умумий билирубин таркиби баҳолаганда, биринчи суткада $16,1 \pm 4,54$ мкмоль/л ни ташкил этганилиги аниқланди; 4-суткада умумий билирубин даражаси $19,8 \pm 6,42$ мкмоль/л га кўтарилиди. 7-суткада умумий билирубиннинг миқдори $16,75 \pm 6,07$ мкмоль/л га пасайди, 10-суткада эса - $15,76 \pm 2,95$ мкмоль/л га пасайиши кузатилди.

Билирубин даражасини ўзгаришидан ташқари трансферазлар фаоллигини ўрганиш ҳам аҳамият касб этди: аланин аминотрансфераза (АЛТ) ва аспартик аминотрансфераза (АСТ). АЛТ нмнг ўртача даражаси $64,64 \pm 37,25$ ТБ/л, АСТ - $66,38 \pm 36,74$ ТБ / л (1-расм).


Беморларда трансфераза фаоллиги 4-суткага келиб кўтарилиши кузатилди 7- суткага келиб эса, унинг сезиларли даражада пасайиши қайд этилди. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланган ва аъзоларнинг қўшма жароҳатланишини олган болаларда

буйракларнинг функционал ҳолатида бузилишлар билан номоён бўлди. Яни жароҳатланишнинг биринчи суткасида креатинин кўрсаткичлари 44 дан 138 мкмоль/л бўлган бўлса, унинг ўртача даражаси $74,32 \pm 15,47$ мкмоль/л ни ташкил этди (2-расм).


Шундек, аъзоларнинг қўшма жароҳати бўлган болаларда мочевина даражаси 1-суткадан 10-суткагача бўлган муддат ичида ортиб бориши кузатилди. Бундан кўринадики, болалардаги қўшма жароҳатлар буйракларнинг функционал бузилишлари билан кечади ва улар жараённинг ўткир босқичида 4-суткага келиб намоён ва азотемиянинг ривожланиши билан тафсифланади. Ушбу гуруҳ болаларининг бир қисмидаги 10-суткасига келиб ҳам ушбу кўрсаткичларнинг юқори даражада сақланаб қолганлиги аниқланди (креатинин 23 %, мочевина 11,7 % кўтарилиган).



1-расм. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жароҳатланган болаларда аминотрансфераза қўрсаткичининг ўртача дарражасининг динамикаси



2-расм. Аъзоларнинг қўшма жароҳати бўлган болаларда креатинин қўрсаткичи динамикаси



3-расм. Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланган болаларда мочевинанинг динамикаси

Хулоса

Кўшма жароҳатлари бор бўлган болалар қоннидағи биокимёвий кўрсаткичларини баҳолашда жароҳатнинг углевод, оқсил ва пигмент алмашинувига салбий таъсири мавжудлиги маълум бўлди, бу эса, жигар ва буйракларнинг функционал бузилишлари билан кечиши аниқланди. Мазкур бузилишлар борлигини аминотрансферазаларнинг фаоллиги ошиши ва азотемиянинг кучайиб бориши кўрсатади. Аъзоларниг қўшма жароҳатланиши билан бирга келувчи бош мия жароҳатлари болаларда салбий оқибатларга олиб келади ва жигар ва буйраклар функционал ҳолатини тикланишига тўсқинлик қиласи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Всемирный доклад о профилактике детского травматизма. Женева: Всемирная организация здравоохранения 2008.
2. Григорьев Е.В. Диагностическая значимость биохимических показателей крови, оттекающей от луковицы внутренней яремной вены, при тяжелой сочетанной черепно-мозговой травме. Тезисы Всероссийской научно-практической конференции "ВИИ Поленовские чтения". СПб. 2008; 45-46.
3. Исаков Ю.Ф., Дронов А.Ф. Детская хирургия: национальное руководство. ГЭОТАР-Медиа. 2009; 478-485.
4. Назарова С. К., Тухтаева Д. М., Тиллабоева А. А. Динамика детского травматизма и предупреждение ранней инвалидности в Республике Узбекистан //Молодой ученый. 2016; 8: 417-421. URL <https://moluch.ru/archive/112/27311>.
5. Немченко Н.С., Гончаров А.В., Борисов М.Б. Метаболические основы патогенеза тяжелой сочетанной травмы. //Вестник хирургии им. И. И. Грекова 2011; 160(5): 114-120.
6. Сигуа Б.В., Земляной В.П., Дюков А.К. Закрытая травма живота с повреждением печени (обзор литературы) //Вестник Северо-Западного государственного медицинского университета им. И.И. Мечникова.-2014; 6(3): 93-98
7. Соколов В.А. Множественные и сочетанные травмы. М.: ГЭОТАР Медиа 2006; 512.
8. CDC National Center for Health Statistics. National Hospital Ambulatory Medical Care Survey: 2014 Emergency Department Summary Tables. Atlanta: Centers for Disease Control and Prevention; 2018.
9. CDC National Center for Injury Prevention and Control Injury Center. WISQARSTM Fatal and Nonfatal Injury Data: 10 Leading Causes of Death by Age Group, United States-2015. Atlanta: Centers for Disease Control and Prevention; 2018.
10. George W. Holcomb III, J. Patrick Murphy Shawn D. St. Peter. Holcomb and Ashcraft's Pediatric Surgery // Edinburgh London New York Oxford Philadelphia St Louis Sydney. 2020; 211-289.
11. Lerner E.B., Cushman J.T., Drendel A.L., et al. Effect of the 2011 revisions to the field triage guidelines on under- and over-triage rates for pediatric trauma patients. Prehosp Emerg Care. 2017; 21: 456-460.

Келиб тушган кун 09.04. 2020